





ЖАҲОН

24 соат ичида

Сурункали ёмғир оқибати

Боливияда қузатилган сурункали ёмғир туфайли дарё ўзанидан тошиб қикди ва талафотга сабаб бўлди.

Бу ҳақда "France-Press" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Воқеа мамлакатнинг жануби-шарқидagi Пампауаси шаҳрида юз берди. Яъни Моллепунку дарёси тошган вақтда унинг яқинида ҳаракатланаётган автобус ва юк машинаси сувга фарқ бўлган. Уша пайтда автобусда 39 киши, юк машинасида эса икки киши бўлган. Жами 34 одам ҳаётдан кўз юмди.

Поездлар тўқнашиб кетди

Германияда иккита поезд бири-бирига тўқнашиб кетди, дейилади маҳаллий "DPA" ахборот агентлиги хабарида.



Кўнгилисизлик мамлакатнинг Ошерслебен шаҳри яқинида содир бўлди. Бу ерда шаҳарлараро қатновчи "HarzElbeExpress" тезорар поездга келиб урилган. Ҳолоқат ўн нафар одамнинг умрига зомин бўлди.

Пенсия ёши ўзгарди

Испания ҳукумати пенсияга чиқиш ёшини 65 ёшдан 67 ёшга ўзгартирди.

Мамлакатда ушбу ислохотни ўтказишдан кўзланган мақсад, аввало, иқтисодий аҳволни яхшилашдир. Чунки жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли Испанияда давлат қарзлари миқдори кўпайиб кетди. Натижада мамлакатнинг тўлов қобилияти ҳам анча пасайган.

Олдинроқ худди шундай ислохот Францияда ҳам татиқ этилган. Ушбу жараёнларга муносабат билдирган бир гуруҳ экспертлар ҳозир Европанинг баъзи мамлакатларида пенсионерлар сони кескин ошиб бораётганини таъкидлашмоқда. Бу эса мазкур давлатлар томонидан пенсияга ажратилаётган маблағлар ҳажмининг йилдан-йилга орттишига олиб келмоқда.

Энг чиройли автомобиль

Халқаро автомобиллар фестивалида ўтган йилнинг "Энг чиройли автомобили" аниқланди.

Бу гал йигирма олтинчи бор ташкил этилган мазкур тадбирда ҳакамлар "Citroen DS4" русуми ана шундай эътирофга лойиқ деб топишди. Овоз бериш жараёнида дунёнинг 62 мамлакатидан 60 минг нафар киши қатнашган. Уларнинг 45 фоизи ушбу русумни маъқул кўришган.



Рўйхатнинг юқори ўринларида, шунингдек, "BMW 5-Series", "Honda CR-Z", "Renault Wind", "MINI Countryman", "Infiniti M37" ва "Volvo V60" каби автомобилларни кўриш мумкин.

Антиқа пойга

Таиландда антиқа пойга ўтказилди.

Гап шундаки, бу ерда машиналар ўрнига каравотлар трассага чиқарилди. Қоидага кўра, бир иштирокчи каравотдан жой олса, қолганлар уни марра томон суриб келишади. Мусобақада турли давлатлардан ўн та жамоа иштирок этди. Қизик жиҳати, тадбир якунида энг юқори тезликка эришган иштирокчи ва энг имиллаган қатнашчи ҳам тақдирланади.

Таиландда бундай антиқа пойга аввал ҳам икки марта ташкил этилган эди.

Тураржой нархи ва қурилиш

Тураржойлар нархининг қимматлиги бўйича Гонконг дунё бўйича биринчи ўринга чиқиб олди.



да. Таққослаганда, бу Лондон шаҳрига нисбатан 76 фоиз юқори кўрсаткич ҳисобланади. Тураржой нархининг бу даражада қимматлашиб бораётганига янги уй-жойларни қуриш тобора камаётгани сабаб бўлмоқда.

Хусусан, ҳозир бу ерда бир квадрат метр майдоннинг баҳоси 1050 АҚШ долларини ташкил этмоқ-

Экспертларнинг фикрича, нархларнинг ўсиши яна камида икки йил давом этади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини, шу жумладан, чорвачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сабаби аён: бу тармоқ эл-юрт фаровонлигининг асосий манбаларидан биридир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Хоразм вилоятида Президентимизнинг 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. Бунда, аввало, чорвани кўпайтиришда муҳим омил саналмиш озуқа базасини мустаҳкамлаш, маҳсулот етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида омхта ем, шрот ва шелуха сотишга ихтисослаштирилган вилоят чорва озуқаси бош бирлашмаси, унинг туман бўлими ва жойларда 102 та озуқа сотиш шохобчаси ташкил этилгани муҳим аҳамият касб эта-

ЧОРВА – ФАРОВОНЛИК МАНБАИ

япти. Натижада мазкур шохобчалар орқали аҳоли ва фермер хўжаликларининг чорва моллари, паррандалари учун сервитамин озуқалар мунтазам етказиб берилиши ва сотилиши тўлиқ йўлга қўйилди. Улар бино, омборлар, зарур анжомлар билан таъминланмоқда. Озуқа ресурслари мавжуд чорва бош сонига қараб арзон нархларда тақсимланапти. Ўтган йилнинг ўн ойида чорвадорлар 18300 тонна шрот, 15200 тонна шелуха, 5000 тонна омхта ем харид қилгани бунинг тасдиғидир. — Чорвани озуқа билан улуқсиз таъминлаш мақсадида жойларда шохобчаларимизни талаб-эҳтиёж ва имкониятга қараб таш-

кил қилганмиз, — дейди вилоят чорва озуқаси бош бирлашмаси раиси Азизбек Мадаминов. — Энг муҳими, чекка қишлоқлар аҳоли-

Ҳозиргача 12 та трактор, 2 та юк машинаси, 18 та тиркама ва бошқа қишлоқ хўжалик механизмлари сотиб олингани ишни яна-

этиб белгилангани ҳам ўз самарасини кўрсатапти. Хусусан, бу ерда чорвачилик йўналишида 22 та наслчилик фермер хўжалиги тузилган бўлиб, уларда 3550 бош қорамол парваришланмоқда. Эътиборли жиҳати, мазкур хўжаликларда кўпайтирилган наслдор қорамоллардан 200 боши аҳоли ва фермерларга кимовши савдолари орқали сотилди.

Буларнинг бари пировардида чорвачиликнинг ривожланишига хизмат қилаётир. Бир йил давомида вилоятда қорамоллар бош сони 5 фоизга, қўй-эчкилар сони 6, паррандалар сони 17 фоизга ортгани, гўшт ва сут етиштириш 7, тухум етиштириш 13, балик ва асал етиштириш ҳажми эса 20 фоизга ўсгани шундан далолат беради.

Зеро, хоразмлик чорвадорларнинг мақсади битта: халқимизнинг дастурхонини чорвачилик маҳсулотлари билан тўриқ бўлишини таъминлаш.

Оббек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

сининг чорваси учун ҳам расамади билан озуқа етказиб берилапти. Бу, билсангиз, чорвадорлар учун катта қулайлик. Чунки чорва озуқаси нархларини сунъий ошириш-

Қарор ва ижро

нинг олди олинапти, қолаверса, маҳсулот етиштирувчиларнинг ресурслардан тенглик асосида, бемалол фойдаланиши таъминланмоқда.

Шу билан бирга, озуқани жойлардаги шохобчаларга ташишни енгиллаштириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш мақсадида бирлашманинг техника парки ҳам шакллантирилмоқда.

да яхшилашда айни муддао бўлмоқда.

Булардан ташқари, вилоятда чорва бош сонини кўпайтириш эвазига қишлоқ аҳолисининг бандлиги ва даромадларини ошириш мақсадида ўтган даврда тижорат банклари томонидан чорвадорларга 2 миллиард 635 миллион сўм миқдорда микрокредитлар ажратилди, 6655 нафар кишига эса меҳнат дафтарчаси очилди.

Вилоятда чорва молларига зооветеринария хизмати кўрсатиши бўйича 178 та шохобча ташкил қилинган, улар зарур зоотехник ва лаборатория жиҳозлари билан таъминлангани, қорамоллар наслини яхшилаш устувор вазифа

ИШОНЧ ВА РАҒБАТ – ҲУНАРМАНДАГ А ҚАНОТ

Шуни алоҳида гурур ва ифтихор билан айтиш мумкинки, юртимиз истиқлолга эришгач, инсон қадри юксак поғонага кўтарилди. Биргина мисол, илгари оддий хунарманд ёки расом халқаро миқёс у ёқда турсин, республика даражасидаги шахсий кўргазмасини ўтказишни тасаввур қилиб бўлмасди.

Бугун эса ҳаммаси бутунлай бошқача. Айниқса, мамлакатимизда бадий хунармандчилик ва амалий санъатни ривожлантиришга давлат миқёсида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг "Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони соҳада катта ютуқларга қанот бўлапти.

Мамлакатимизда хунар, санъат аҳлига кўрсатилаётган бекбўёқ ғамхўрликлар яна бир бор эътироф этилиб, ёш хунармандлар маҳсулотлари намойиш қилинди.

Утган йил эса ҳаётимда ўчмас из қолдирди. Негаки, Ўзбекистон Бадий академиясида асарларим намойишини ўтказган бўлсам, Украинанинг Луцк шаҳрида ташкил этилган 6-Халқаро фестивалда муваффақият-ли иштирок этдим.

Дил сўзи

Мен бир неча йиллардан буён бадий сомон санъати билан шуғулланиб келаман. Санъатнинг ушбу тури бўйича қирқдан зиёд республика миқёсидаги ва халқаро кўргазмаларда иштирок этдим. Ана шу хунарим сабаб дунё кездим. Халқаро танловларда қатнашганимда, кўргазма ўтадиган бино пештоқида юртимиз байроғи хиллашиб, "Ўзбекистон", деб ёзиб қўйилганида, қанчалик гурурланганимни тасвирлаб беролмайман.

Бугун эртак қаҳрамонлари қиёфаси акс эттирилган, сомондан ясалган манзаралар, совғалар нафақат юртдошларимиз, балки сайёҳларда ҳам катта қизиқиб уйғотмоқда. Шу боис фаолият доирамизни кенгайтириб, амалий ва декоратив санъатдан тасвирий санъат даражасига кўтарилган бадий сомон санъатини янада ривожлантирмоқчимиз.

Ана шундай эътибордан руҳланиб, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, республика Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Бадий академияси ва бир қатор ташкилотларнинг қўллаб-қувватлаши туфайли мамлакатимизда илк марта "Ўзбек бадий сомон санъати" кўргазма-маррафонини ташкил этдик. Юртимизнинг қўллаб-шарҳ ва қишлоқларини қамраб олган ушбу тадбир чоғида

Жорий йил Президентимиз томонидан "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши тадбиркор-хунарманд сифатида бизга ҳам билдирилган ишонч, келгусидаги ижодий ишларимизга берилган рағбатдир. Бу эса юртимизни ўз асарларимиз орқали мадҳ этишимизда катта куч бағишлайди.

Обтабек Йўлдошев, хунарманд. Тошкент шаҳри.

Advertisement for "ИПОТЕКА-БАНК" (Mortgage Bank) featuring a table of interest rates for various mortgage types and terms.

Advertisement for "Халқ сўзидаги Реклама" (Advertising in the People's Voice) with contact information and a phone number.

Advertisement for "Росагропромснаб" (Rosagro Promsnab) offering various types of gas pipes and fittings.

Advertisement for the Hyundai Accent car, showing the vehicle and providing contact information for the official partner.

Advertisement for "Kashif" construction materials, including gypsum board and other building supplies.

